O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 28 февраль, № 40 (3839) Сешанба



Кейинги йилларда Қувасой шаҳрида жойлашган каттакичик корхоналар тубдан модернизация қилиниши туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва миқдор даражаси ортиб бормоқда.

«Кварц» тамғаси билан

Ана шундай корхоналардан бири — "Кварц" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган турли ҳажмдаги шиша идишлар, ойналар, шунингдек, автомобилсозлик тармоғи учун бутловчи қисмлар сифати жиҳатидан хорижникидан қолишмайди. Муҳими, маҳсулотлар маҳаллий хомашёдан тайёрланиб, уларнинг аксарияти Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркманистон давлатларига экспорт қилинмоқда. Дарвоқе, корхонада махсус буюртма асосида маҳсулот етказиб бериш ҳам йўлга қўйилган. Мисол учун, икки миллиметрдан ўн икки миллиметргача бўлган уч хил рангдаги ойна, асосан, буюртма бўйича ишлаб чиқарилмоқда.

СУРАТЛАРДА: "Кварц" акциядорлик жамиятининг ташқи кўриниши; ойна ишлаб чиқариш цехи оператори Искандар Мирзалиев.



Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Президент ҳисобидан

Президентимиз томонидан жорий йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши халқимизга хос бағрикенглик, меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни юксалтириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш учун янада кенг йўл очиб берди. Навоий вилоятида ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

ҲАШАР – ХАЙРЛИ АНЪАНА

Навоий шаҳридаги "Истиқлол", "Янгиариқ" маҳалла фуқаролар йиғини, "Нуроний" жамғармасининг Навоий шаҳар ва Кармана туман бўлимлари ташаббуси билан 8-Март хотин-қизлар куни ва Наврўз байрамлари арафасида маҳаллалар, кўчалар ва аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш, экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида вилоят миқёсида умумхалқ ҳашари ўтказилди.

Юртимизда кўклам арафасида бундай тадбирлар уюштириш яхши анъанага айланган. Кимдир қўл меҳнати билан, яна кимдир ҳомийлик кўрсатиш йўли билан маҳалла, шаҳар ва қишлоғининг обод бўлишига, кундан-кун чирой очишига ўз ҳиссасини қўшади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида кенг кўламдаги тозалик ва кўкламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Шанбаликдан тушган маблағ эса кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни қўллаб-қувватлашга ҳамда вилоятдаги қурилиш ва ободончилик ишларига йўналтирилади.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

ЭКСПЕРТЛАР УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида харидларни амалга ошириш механизми ва бу борадаги тартиб-қоидаларни халқаро молия муассасаларининг андозаларига уйғунлаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, банклар ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар вакиллари, экспертлар иштирок этди.

Тадбирда харидларни амалга ошириш бўйича халқаро талаблар ва маҳаллий шароитга мос умумий тизимнинг яратилиши ҳар бир мамлакат иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Ушбу учрашув мазкур йўналишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги мақсад ва вазифаларни белгилаб олишда алоҳида аҳамият касб этиши қайд этилди.

Ташқи савдо ва валюта бозорини либераллаштириш, шунингдек, экспорт ҳажмини ошириш Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидандир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантириш, экспорт-импорт операцияларини божхона тарифлари орқали тартибга солишни янада такомиллаштириш, божхона тўловларини унификация қилиш, солиқ ва божхона маъмуриятчилиги билан боғлиқ жараёнларни соддалаштиришга доир чора-тадбирлар кўриш иқтисодиётимизни янада ривожлантиришнинг муҳим омилларидан эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Ҳозир Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан маҳсулотлар (хизматлар) харидини амалга оширишнинг бирхиллаштирилган тартиби ишлаб чиқилаётир. Давра суҳбатида бу борадаги вазифалар муҳокама этилиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш чоралари юзасидан фикр алмашилди. Халқаро экспертларнинг маърузалари тингланди.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА мухбири.

«ДАМАС»НИНГ КЕНЖА АВЛОДИ

Ўзбек автомобили жаҳон бозорида ўз мавқеи, салоҳияти, нуфузига эга бўлди. Биргина ўтган йили ҳар хил турдаги автомобилларимиздан 53.092 донаси хориж бозорида сотилгани фикримизнинг далилидир.

Кўпчилик бу муваффақиятни автомобилларимизнинг ташқи кўриниши ғоят кўркамлиги, бошқаришга қулайлиги ва ниҳоятда тежамкорлигига боғлайди. Бу айни ҳақиқат. Лекин яна бир муҳим жиҳат шундаки, асакалик автомобилсозлар мутахассислар билан ҳамкорликда бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллашган, пишиқ-пухта, техник хавфсизлиги жиҳатидан ҳар қандай шароит ва иқлим талабларига тўла жавоб бера оладиган машиналар яратишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. «Тико» ўрнини «Матиз», «Нексия» ўрнини «Нексия-Донс», «Ласетти» эгаллагач, харидорлар сони кескин ортгани сир эмас. Жорий йилда автомобилсозлар мижозларнинг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, 135 минг дона енгил машина ишлаб чиқаришни режалаштиришган. Шундан 73 минг 119 таси хориж бозорига чиқарилади.

«Дамас», биласиз, оилабоп машина. Ҳамюртларимизнинг узоғини яқин қилиб, жонига оро кираётган бу микроавтобусдан айни пайтда тиббиёт, маориф, маданият ва бошқа соҳаларда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Кўшма корхона жамоаси ҳайдовчиларга ҳам, мижозларга ҳам жуда манзур бўлиб қолган ана шу автомобилнинг янги туркумини яратиш устида узоқ муддат изланди. Ва ниҳоят, «Дамас В-100» автомобилини ҳам «Матиз», «Нексия», «Ласетти»га ўхшаб жаҳон бозорига олиб чиқиш учун қатор янгиликлар яратилди. Янги машина кузовининг олд қисми 265 мм.га узайтирилди. Олди ҳамда орқа эшикларига қўшимча панеллар ўрнатилди, салоннинг пастки қисмлари такомиллаштирилди. Шундай қилиб янги «Дамас В-150» ни ишлаб чиқариш линияси ишга тушди.

Ўтган йилнинг сўнгги ойида 12 дона янги моделдаги «Дамас» конвейердан туширилган эди. Февраль ойида яна 150 та шундай машина ишлаб чиқариш режалаштирилган. Жорий йилнинг ёзига бориб эса эски моделдаги «Дамас»ни ишлаб чиқариш бутунлай тўхтатилмоқчи.

Айни чоғда автомобилсозлар ўз машиналари рангининг чиройли, тиниқ бўлишига ҳам эътибор қаратмоқдалар. Шу боис, бўяш цехида модернизация ишлари амалга оширилаётир.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хушхабар

Курашимизнинг зафарли одими

Халқимизнинг азалий қадрияти — ўзбек кураши дунёни забт этишда давом этмоқда. Куни кеча Кураш халқаро ассоциацияси қароргоҳига Доминикан Республикасидан хушхабар келди.

КХА матбуот маркази хабарида айтилишича, 18-25 февраль кунлари Санта Доминго шаҳрида Доминикан Республикаси спорт ўйинлари бўлиб ўтди. Ундан Олимпиада дастурига киритилган 26 та спорт тури жой олган. Ушбу нуфузли мусобақа дастурига илк маротаба бизнинг миллий спорт туримиз — кураш ҳам киритилди. Эсингизда бўлса, 2004 йили Доминикан Республикасида ўзбек кураши бўйича 3-Пан-Америка чемпионати зўр муваффақият билан ташкиллаштирилганди.

Доминикан Республикаси спорт ўйинларидаги кураш мусобақасида 200 нафарга яқин полвонлар 7 вазн тоифасида гиламга чиқдилар. Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Доминикан Республикаси спорт вазири Фелип Хай Пайяно курашнинг жозибадорлигига, инсонпарварлик ғояларига асосланганига юксак баҳо берар экан, унинг Олимпиада ўйинлари қаторидан жой олишига умид билдирди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

25 февралда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Мажлиснинг иккинчи куни давомида юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги "Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш – фаолиятимиз мезони бўлиши даркор" нутқидан келиб чиқадиган хулосалар асосида Сенат Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича вазифалар белгиланган қарор қабул қилдилар.

Кун тартибига мувофиқ кредит уюшмалари фаолиятини бошқариш тизимини такомиллаштириш, кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензиялар бериш жараёнини соддалаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама қилинди. Батафсил кўриб чиқилгач, ушбу қонун маъқулланди.

Сенаторлар, шунингдек, "Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сони қисқартирилганлиги ҳамда текширишлар тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилдилар ва маъқулладилар. Ушбу қонунда "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонунларга ўзгартишлар киритилиши кўзда тутилган. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича мавжуд тизимнинг такомиллаштирилишини таъминлайди.

Юқори палата аъзолари "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турлари қисқартирилганлиги ҳамда соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини маъқулладилар. Ушбу қонунда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-таомиллари сонини қисқартириш ва соддалаштириш кўзда тутилган бўлиб, бу ҳол тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Бунда, хусусан, шу нарса белгиланмоқдаки, қонунчиликда кўзда тутилган фаолият турларига лицензиялар камида 5 йил муддатга берилади.

"Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам парламентнинг юқори палатаси томонидан маъқулланди. Ушбу ҳужжатда давлат корхоналари ва мулкининг айрим турларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича чекловлар белгиланган.

Сенаторлар "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиб, унда изчиллик ва бошқа қонун ҳужжатлари билан уйғунлик етишмаслиги туфайли уни қайтардилар.

Юқори палата аъзолари "Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиб, маъқулладилар. Сенаторлар таъкидлаганидек, ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатидан янги, иттифоқчилик даражасида чуқурлаштиришнинг асосий тамойиллари ва устувор йўналишларини белгилаб берадиган дастуриламал ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Узоқ истиқболга мўлжалланган мазкур шартнома Ўзбекистон-Россия муносабатларини ҳар икки давлатнинг туб манфаатларига тўла мос келадиган янги мазмун билан бойитишга кўмаклашади, шунингдек, миллий, минтақавий, халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Баённомани ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва "Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённомани ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни маъқулланди. Ушбу масала бўйича сўзга чиққан сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага қўшилиши мамлакатимизнинг миллий манфаатларига мос эканлиги, шунингдек, Ўзбекистоннинг ривожланиб бораётган жаҳон хўжалик алоқалари тизимига янада интеграциялашувига, умумий бозорни яратиш масалаларини ҳал этишга, минтақада кооперация алоқаларини йўлга қўйишга хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратдилар.

"Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзоланган Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақида"ги ҳамда "ГЎУОМ иштирокчи давлатларининг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Конвенцияни денонсация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Сенатнинг ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг /Омбудсманнинг/ 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тингланди.

Парламентнинг юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тавсияларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Украина, Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиларини тайинладилар, Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлатидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини лавозимидан озод қилдилар.

Мажлисда Сенат ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида мамлакатда амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган жами 23 та масала, шу жумладан, 15 та қонун кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Илхом Уткурович **Хайдаров** Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ойбек Орифбекович **Усмонов** Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 февраль.

Ўтган ҳафтага назар

Умримизнинг яна бир ҳафтаси ортда қолди. Февраль ойининг сўнгги етти кунлиги ҳам мамлакатимиз ҳаётидан ўзига хос ўрин эгаллади. 24-25 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

САРҲИСОБ

Олий Мажлиснинг юқори палатаси — Сенат ўз фаолиятини бошлаганига эндигина бир йилдан кўпроқ вақт бўлди. Албатта, бу жуда қисқа фурсат. Лекин Сенат шу қисқа даврда, яъни шаклланиш жараёнида нималарга эришди, олдиндан режалаштирилган қайси ишларни бажаришга улгурмади? Ҳаётимиз учун зарур бўлган қонун ижодкорлиги соҳасида унинг роли қандай бўлди?

Юртбошимиз ўз нутқида ушбу масалаларга алоҳида тўхталди. Юқори палатанинг бир йиллик фаолиятини қониқарли баҳолаган ҳолда, унинг олдида турган вазифалар, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Маълумки, шу пайтгача чет эллик баъзи сиёсатчилар, журналистлар янги қонунларнинг, аслида улар барча халқаро талаблар, энг демократик давлатлар қонунлари даражасида яратилган бўлса-да, Олий Мажлисимиз томонидан бир овоздан қабул қилинишини танқид қилишарди. Сенат бир йилда тўртта қонунни қайтарди. Шу ўринда бу озми ёки кўпми деган савол туғилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, ўзини энг демократик деб ҳисобловчи мамлакатларда ҳам бир йилда бунча қонун қайта ишлаш учун қайтарилмас экан.

Юқори палатанинг тўртинчи ялпи мажлисида «Уй-жой мулкдорлари ширкати тўғрисида»ги Қонунни Сенат аъзолари қабул қилишмаганди, тўғрироғи, қайта ишлаш учун қайтаришганди. Қонунчилик палатаси Сенат киритган ўзгартишларни қабул қилмади. Хуллас, ушбу қонун бўйича юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун ҳар икки палата аъзоларидан тенг асосда келишув комиссияси тузилиб, қонуннинг ягона матни ишлаб чиқилди. Ва кечаги ялпи мажлисда у қабул қилинди.

Бундай ҳолни демократик парламентнинг соғлом фаолият шакли, қабул қилинаётган қонун ва қонун ҳужжатларининг сифати юқори бўлишини кафолатлайдиган муҳим омил деб ҳисоблаш мумкин. Қолаверса, бугун икки палатали парламентимизда демократик кўникма ва жараёнлар қарор топаётганидан далолатдир.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида Сенат фаолиятида йўл қўйилган камчиликларга тўхталар экан, шундай деди: «...Сенат аъзолари ўз ваколатларини маҳаллий кенгашлар депутатларидан олган ва уларнинг олий органдаги тўлақонли, айни вақтда шу кенгашларга ҳисоб берадиган вакиллари сифатида фаолият кўрсатади. Бироқ амалда Сенат ва маҳаллий кенгашлар ўртасида изчил, самарали алоқа ва ҳамкорлик ҳозиргача йўлга қўйилмаган».

Президент Сенат аъзоларини, мансабдор шахсларни кўпроқ халқ ичига киришга, уларнинг дарду ташвишларига шерик бўлишга, одамлар бугун қандай ўй-хаёллар билан яшаётганини билишга, муаммоларини ўрганишга, жойида ечишга чақирди. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар шу юртда яшаётган аҳолининг фаровонлигини оширишга, тинчлигини сақлашга қаратилгандир.

«Юқори палата нафақат қонун бузилиш ҳолатларини аниқлаши, балки қонун талабларининг бажарилмаслигига, қонун нормаларининг амал қилинмаётганлигига сабаб бўлаётган омилларнинг тагига етиши зарур», деди Юртбошимиз.

Ўтган ҳафтада мамлакатимизда Сенатнинг бир йиллик фаолияти сарҳисоб қилинган бўлса, олис Италиянинг Турин шаҳрида навбатдаги тўрт йиллик қишки Олимпиада циклига якун ясалди. Куни кеча бу шаҳарда XX Олимпиада ўйинлари тантанали суратда ёпилди. Унда юртимиз спортчилари ҳам иштирок этди. Гарчи улар совринли ўринларни эгалламаган бўлса-да, бундай йирик мусобақада иштирок этишнинг ўзи спортчиларимиз учун катта мактаб вазифасини ўташи аниқ. Дунёда икки юздан ортиқ мамлакат бор, лекин Олимпиадада уларнинг 85 тасининг вакиллари куч синашди. Шулар ичида Ўзбекистон ҳам бор. Бутун Олимпиада давомида Турин узра юртимиз байроғи ҳилпираб турди. Бундан фахрланмай, ғурурланмай бўладимми?

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёнғин хавфсизлиги — муҳим масала

Ички ишлар вазирлигига қарашли Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида «Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва категорияли объектларнинг барқарор ишлашида асосий омиллардан биридир» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилди.

Семинарда Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакиллари, шунингдек, қатор компания ва ўта муҳим саноат корхоналари ходимлари ҳамда журналистлар қатнашди.

Сўзга чиққанлар ўта муҳим иншоотларда ўт чиққанда уни бартараф этишда қандай ҳаракат қилиш, тилсиз ёвни даф этишда замонавий асбоб-ускуналардан қандай фойдаланиш борасида батафсил тўхталдилар. Шу билан бирга, йиғилиш иштирокчилари ўзаро тажриба алмашишди, ютуқ ва камчиликларни муҳокама қилдилар.

Семинар давомида кўргазма ҳам ташкил қилинди.

Юнус БЎРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сулола

Қумқўрғон туманидаги қоракўлчиликка ихтисослашган "Сайхон" ширкат хўжалиги чорвадорлари кейинги тўрт йил ичида қўйлар бош сонини икки баравар кўпайтиришди. 12600 бошдан 24210 бошга етказилди.

Хўжаликдаги 58 отарга 116 нафар чўпон кўз-қулоқ. Уларнинг 80 фоизини ёшлар ташкил қилади. Улар кечагина шу яйловларда таёқ кўтариб юрганларнинг фарзандлари, неваралари.

— Улар тўғри сўз, ҳисоб-китобга пухта, — дейди хўжалик раҳбари Абдилазиз Саманов. — Муҳими, ўз касбининг сир-асрорларини билиб олишган. Кейинги йилларда эришаётган ютуқларимиз ҳам шулар билан боғлиқ.

ЧЎПОННИНГ ТАЁҒИ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

...Рустамжон бобосини фахр билан эслайди. Бобоси Йўлбарс чўпон «Сайхон» даштларида қирқ йил сурув боққан. Мутахассислар билан елкама-елка туриб, илмий-тадқиқотлар ўтказган. Камалакдек товланувчи Сурхон сур териларини яратган. Унинг кашфиётлари халқаро миқёсдаги кўргазмаларнинг юқори даражадаги мукофотларини олган.

Рустамжоннинг уйи ҳайбатли адирликлар қуршовида. Ҳовлисида «УАЗ» машинаси, трактори турибди. Уйига меҳмон бўлиб бордик. Димоғи чоғ. Чўпонларнинг ҳаёти ҳақида гурунглашдик.

Чўпоннинг ташвишиям, овунчоғиям — қўй. Рустамжоннинг қўйлари 330 бош. Шунинг 270 таси — совлиқ. Совлиқларнинг 100 таси сур терили қўзи беради. Ёш чўпоннинг ҳам яхши кўргани — қахрабо сур.

— Чорвани айримлар жўн тушунади, — дейди у. — Мени кўрадаги молим боқади, қорнимни тўйғазади, деб ўйлайдилар. Лекин аввало молни боқиш керак. Бунинг йўл-йўриғини билиш керак.

Иккинчи бир ёш чўпон — Собир Ёмғиров ҳам Рустамжоннинг айнан шу гапини такрорлайди. Қўйнинг жуни майин. Ундан ҳам феъли майин. Гўшти ширин. Лекин туёғи тошдан ҳам қаттиқ. Қўйни боқиш, уни кўпайтириш машаққати эса туёғидан ҳам қаттиқ.

Собир бу йил пишиқ ғиштдан уй солибди. Ана шундай дашти биёбонда мевали дарахт кўчатларини парваришлаяпти. Қудуқ қазиб сув ҳам чиқарилибди. Энди кўрасини кенгайтириш ниятида.

Чўпоннинг қўйларидан ташқари уч туяси, оти, юзга яқин куркаси бор.

— Туя — хосиятли жонивор, — дейди Собир. — Унинг сутини ичган одам шамолламайди. Жунидан тўқилган кийим кийсангиз, юрак, буйрак, жигарингиз бақувват бўлади. Бу жониворнинг нафаси уриб турган жойда эса қўй касалга чалинмайди. Лекин хўжалигимиз ихтиёридаги 107 минг гектар яйловда бизникидан бошқа туя йўқ.

"Сайхон" хўжалигида биз энг ёш чўпон — Камол Ҳайдаров билан ҳам танишдик. У ёшига нисбатан анча бақувват йигит. Чаққон. Ўн саккиз ёшидаёқ бош чўпонлик юкини елкасига олган экан. Муболаға эмас, бир неча қулоч келадиган чўпонлик таёғини отиб, юз қадам наридаги нишонни ҳам беҳато уриш қобилиятига эга. Жуда сезгир. Хотираси зўр. Қўзини бир кўрса бўлди, маълум бир вақт ўтиб, ўша қўзи тўхлига айланганида ҳам уни адашмай таниб олавераркан. Қўйнинг сув ичишига қараб эса касали бор ё йўқлигини айтиб беради.

Камол чўпон бир йилнинг ўзида отарини 200 бошга кўпайтирди.

Ҳа, ёш чўпонлар ғайратли. Бири наслчилик ишлари билан шуғулланишга мойил. Яна бири бу ерларда изимиз қолсин, дея интилади. Кўчат экади. "Сайхон» даштларида яшаётган тўрт мингча одамнинг ҳар қайсиси икки тупдан дарахт ўстирса, бундан зиёд савоб қайда", дейди у,

Бугун Камол, Абдулла, Абдувоҳид ва Панжи каби чўпонлар юз минг гектарлик яйловда боқиладиган қўйни юз минг бошга етказмоғимиз лозим, деган ният билан меҳнат қилмоқдалар.

Олимжон УСАНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида деярли ҳар куни у ёки бу давлатда «парранда гриппи» аниқланганги ҳақида маълумотлар тарқатилмоқда. Илк бор 1997 йили Гонконгда пайдо бўлган ушбу хасталик шу пайтгача дунёнинг ўнлаб давлатларида аниқланди. Кейинги бир неча кун ичидаёқ Франция, Германия, Болгария, Венгрия ва Швейцария каби ўнга яқин Европа давлатида H5N1 деб ном олган вирус борлиги тан олинди. Хасталик Америка қитъасидаги мамлакатларда ҳам қайд этилмоқда. Дунё мамлакатлари ана шу хатарга қарши кураш йўлларини қидиришга бел боғлаганига қарамай, ҳозирча унинг олдини олишнинг бирорта самарали услуби топилмаяпти. Вирус эса янги-янги ҳудудларни «забт» этаётир.

«Парранда гриппи»дан сақланайлик

Шу муносабат билан кўпчилик давлатлар қандай қилиб бўлмасин вирусга тўсиқ қўйиш чораларини кўрмоқда. Айрим мамлакатларда паррандалар бутунлай йўқ қилинаяпти. Ҳозиргача 150 миллиондан зиёд қуш ва парранда қириб ташланди. Бу эса катта иқтисодий зарар келтириши маълум. Паррандачилик иқтисодиётнинг асосий соҳаларидан ҳисобланган Мисрда фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Мамлакатда ташкил этилган махсус гуруҳлар паррандаларни йўқ қилиш билан шуғулланмоқда. Бу амалиётлар натижасида соҳада банд бўлган 1,5 миллион кишининг тақдири ҳам ноаниқ бўлиб турибди. Бундан ташқари, мамлакат ҳукумати парранда бор ҳайвонот боғларини ёпиш бўйича кўрсатма берди.

Номи оддийдай туюлган бу хасталикнинг энг хавфли жиҳати — H5N1 вируси одамга ҳам юқади. У ҳозиргача дунё бўйлаб 90 нафардан зиёд кишининг жонига зомин бўлди. Қурбонларнинг кўпчилиги Жануби-Шарқий Осиё давлатларига тўғри келади. Яна инфекцияда мутация қилиш, яъни ўзгарувчанлик хусусияти мавжуд. Вена университети профессори Кристиан Вальцернинг таъкидлашича, мазкур вирус энди мушукларга юқа бошлади. Бироқ, энг хавфлиси вируснинг одамдан одамга ўтишидир. Бутун дунё ана шундан кўпроқ хавфсирамоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вирус ўзгариб, инсон учун катта хавф туғдириши мумкинлиги ҳақида маълум қилди. Жаҳон банки тайёрлаган маърузада ушбу хасталик иқтисодий ривожланган мамлакатларга 550 миллиард доллар зарар келтириши қайд этилган. Вирус тарқалган бошқа давлатлардаги зарар ҳам инобатга олинса, бу кўрсаткич янада юқори бўлиши турган гап. Ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, АҚШда «парранда гриппи» туфайли 200 минг одам қурбон бўлиши ва у 100-200 миллиард доллар зарар келтириши мумкин. Мутахассислар хасталик Осиё қитъасига, айниқса, катта тахдид солиши мумкин дея фикр билдиришмоқда.

«Парранда гриппи»дан сақланиш, унинг олдини олиш учун қатъий чоралар кўриш Ўзбекистон учун ҳам долзарб масалага айланди.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда мазкур вирус ҳозиргача қайд этилмаган. Бироқ, бу хотиржамликка асос бўлолмайди. Қишни иссиқ ўлкаларда ўтказган қушлар шимолга қайта бошлади. Маълумотларга кўра, баҳорнинг охиригача мамлакатимиз ҳудудидан ўн беш миллионга яқин қуш учиб ўтади. Уларнинг 4-5 фоизи ўлкамизда кузгача уя қуради. Уларнинг орасида вирус юқтирганлари ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бундан ташқари, инфекция юртимизга бошқа йўллар билан, хусусан, парранда гўшти ва бошқа маҳсулотлари орқали ҳам кириб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Бахтиёр Ниёзматовнинг таъкидлашича, айни пайтда «парранда гриппи» қайд этилган мамлакатлардан юртимизга маҳсулотлар олиб кириш қаттиқ назорат остига олинган.

Бугуннинг гапи

— Ўзбекистонда зарур чоралар кўрилгани туфайли ушбу хасталик уй паррандалари орасида бирор марта қайд этилмаган, — дейди Б. Ниёзматов. — Инфекциянинг олдини олиш учун Давлат санэпидемназорат хизмати вакиллари ветеринарлар, божхоначилар, чегарачилар ва бошқа тегишли орган ходимлари билан бевосита ҳамкорликда фаолият юритишмоқда. Улар қаторида иш олиб бораётган санитария-назорат пунктлари вакиллари ҳам чегарабўйи ҳудудлар, аэропорт ва темир йўл вокзалларида қўйилган талабларни сидқидилдан бажаришмоқда. Шу билан бирга улар мамлакатимизга ташриф буюраётган кишиларнинг соғлиғини ҳам назоратга олишган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мазкур вирусниг олдини олиш мақсадида махсус республика штаби ва унинг минтақаларидаги бўлинмалари иш юритмоқда. Бу ишга энг яхши мутахассислар, ветеринарлар жалб қилинган. Улар аҳолига инфекциядан сақланиш бўйича мунтазам тарғиботташвиқот ишлари олиб бориш билан бирга, ҳар бир хатарли ҳолатни текширмоқдалар. Шу билан бирга, штаб аъзолари парранда фабрикалари ва фермер хўжаликларида рейдлар ташкил этишаяпти. Энг муҳими, ёввойи қушлар йиғиладиган жойларни доимий назоратга олишган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, вирусга қарши энг замонавий препаратлар харид қилинган. Дезинфекциялаш воситалари, реактивлар ва бошқа зарур доридармонлар захиралари тўлдирилиб, вирусология лабораториялари ишламоқда. Барча юқумли касалликлар шифохоналарида «парранда гриппи»га чалиниш эҳтимоли бўлган касалларни ётқизиш учун махсус жойлар тайёрланган.

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги давлат ветеринария бош бошқармаси бошлиғи Тўлаган Омаров берган маълумотга қараганда, айни пайтда республикамизда 20 миллиондан зиёд парранда боқилмоқда, улардан қарийб 15 миллиони аҳоли қарамоғида. Шу туфайли ҳудудларда ветеринария-санитария назорати янада кучайтирилган. Паррандалар турли хил касалликларга қарши профилактик эмланаяпти. Парранда боқилаётган жойларга ёввоий қушлар ва кемирувчиларни киритмаслик чоралари кўрилмоқда.

Республика Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ёввойи қушлар овини вақтинча тақиқлади. Ҳукуматимиз томонидан инфекция рўйхатга олинган қатор мамлакатлар, хусусан, Болгария, Руминия, Қозоғистон, Россия ва Туркиядан республикамизга парранда ва парранда маҳсулотларини олиб кириш вақтинча ман қилинди.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ:

Мазкур вирус уй паррандаларига асосан сувда сузувчи ёввойи қушлардан юқади. Бунда ўша қуш ўзи касал бўлмаслиги, аммо вирус юқтирган манба вазифасини ўташи мумкин. Шу туфайли одамлар ўз паррандаларини имкон қадар ёввойи қушларга яқинлаштирмаслиги лозим. Шунингдек, паррандаларни қуруқ, иссиқ жойларда сақлаш, тўйимли озуқа билан овқатлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда «парранда гриппи» кириб келишининг олдини олиш, инфекция эҳтимоли бўлган ҳолда зарур чоралар кўриш бўйича муайян ишлар қилинаяпти. Бироқ, вирусга қарши курашишда барчамиз ҳамжиҳатликда ҳаракат қилсаккина, юртимизни ушбу таҳдиддан сақлаш мумкин бўлади. Шу туфайли шифокорлар маслаҳатига қатъий риоя этиш, касаллик аломатлари юзага келганда тўғри ҳаракат қилишга тайёр бўлишимиз лозим.

Салим ДОНИЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОГОҲЛИК — АҲИЛЛИКДА

Наманган вилояти ҳокимлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, халқ таълими, касб-ҳунар ва соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлари, шаҳар, туманлар ҳокимлари, ички ишлар бўлимлари раҳбарлари, шунингдек, милиция таянч пунктлари профилактика инспекторлари ҳамда «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш милиция таянч пунктларининг фаолиятига бағишланди.

Унда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, диний экстремизм, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашда ички ишлар идоралари ходимлари ва жамоат тузилмалари вакилларининг ҳамкорликдаги фаолиятини бевосита милиция таянч пунктларида ташкиллаштириш, профилактика инспекторларининг иш самарадорлигини ошириш, уларга хизмат шароитлари яратиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Дилбар ТУРҒУНОВА,
катта лейтенант.

Ҳар қандай ишдаги муваффақият кўп жиҳатдан раҳбарга боғлиқ. Агар у ақлли, тажрибали, ишбилармон ва серғайрат бўлса, ишлар олдинга силжийди. Агар у раҳбарликни фақат юқори мартаба деб билса, ўз манфаатини ходимлар манфаатидан устун қўйса-чи? Бундай ўйламай босилган қадам қўл остидаги меҳнат жамоасининг моддий ва маънавий манфаатларига катта зиён етказади.

Қийин ишнинг қийиғи

Суд залидан

Мана бир мисол: «Алвон ЛТД» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, айни пайтда «Хоразмирригацияқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти акцияларининг асосий қисмига эгалик қилувчи сифатида жамият кузатув кенгаши раиси Машарип Қурёзовнинг қалтис хатти-ҳаракатидан бошқарувидаги кишилар анча азият чекишди. У ўз мансабидан фойдаланиб, корхонанинг мавжуд имкониятларини ва талабларини ўрганмай туриб, Афғонистон Ислом Республикасининг «Камгар ЛТД» фирмаси билан истиқболсиз шартнома тузади. Шартномада қайд этилган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги оқибатида эса жамият ишчи-хизматчиларининг моддий ва маънавий манфаатлари оёқ ости қилинади. «Хоразмирригацияқурилиш» ОАЖнинг 700 нафар акциядорларига дивиденд пуллари ва ишчи-хизматчиларга иш ҳақлари берилмайди. Уларнинг оилалари ризқу насибасидан айрилади.

2003 йил 8 июль куни «Алвон ЛТД» МЧЖ раҳбари М. Қурёзов ва «Камгар ЛТД» фирмаси раҳбари З. Камгар ўртасида Афғонистон ҳудудида Ҳайратон-Мозори шариф-Акина йўналишида 150 км.лик масофада 25 миллион АҚШ доллари қийматидаги йўл қурилиши ишларини бажариш ҳақида пухта ўйланмаган шартнома имзоланади. Ушбу шартнóмани амалга ошириш учун корхонанинг имконияти етарлими, техникаси ночор эмасми, иккинчи томоннинг тўлов қобилияти қандай? Раҳбар бу ишга қўл уришдан олдин ана шулар ҳақида бош қотириши керак эди. Аммо «Ишбилармон» М. Қурёзов фақат катта даромаднинг изидан қувди. У ўз бошқарувидаги «Хоразмирригацияқурилиш» ОАЖ корхоналарида ишлайдиган 39 нафар ишчини «Алвон ЛТД» МЧЖга қабул қилиб, улардан 33 нафарини ойига 300-500 АҚШ доллари атрофида маош тўлаш кафолати билан қўйинларини пуч ёнғоққа тўлдириб, Афғонистонга ишлашга жўнатади. Қолаверса, «Хоразмирригацияқурилиш» ОАЖ тасарруфидаги корхона ва жамиятлар билан «Алвон ЛТД» МЧЖ ўртасида ойига жами 3 млн. 391 минг сўмлик ижара шартномаларини тузади. Унга кўра жами 52 та техника ва механизмлар Афғонистонда йўл қуриш ишларини бажариш учун ижарага олинади. Ана шу техника ва механизмлар — бульдозерлар, экскаваторлар, автокранлар, истиқомат вагонлари ва бошқа техникалар ортилган 20 та вагон 18 декабрь куни Термиз шаҳридаги «Ғалаба» бекатига етиб келади. Аммо барча ишчилар ва техника Термизнинг ўзида деярли 1 ой қолиб кетади. Чунки, «Камгар ЛТД» фирмаси шартномада келишилган сумманинг 15 фоизи — 3 млн. 500 минг АҚШ долларини «Алвон ЛТД» МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб бериши лозим эди. Бироқ хорижий шериклар шартномани тузишга тузиб бундай миқдордаги маблағни бера олмасликларини билдирадилар. Сабабини тушунтириб ҳам ўтирмайдилар.

Шундай қилиб янгидан шартнома тузиш таклиф қилинди. Декабрь ойининг охирида томонлар 2003 йил 3 сентябрь санаси билан қайтадан шартнома имзолашади. Аммо бу ҳужжат нега айнан 3-4 ой олдинги муддатда тузилганлигини М. Қурёзов изоҳлаб бера олмади. Бу гал 20 минг АҚШ доллари қийматидаги 10 км.лик йўл қуришга келишилганди. Олдиндан тўланиши лозим бўлган маблағ ҳажмининг 15 фоизи — 2979 АҚШ доллари «Алвон ЛТД» МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказилгач, ишчилар ҳамда техника-механизмлар Афғонистоннинг Ҳайратон темир йўл бекатига етказиб келинади. Лекин, хорижий шериклар яна шартнома мажбуриятларидан тойиб, ишни пайсалга солишади. Оқибатда, шартномада келишилган 10 км.лик йўл қурилиши бу-юртмаси ҳам йўққа чиқади. «Тадбиркор» раҳбар иккинчи марта ҳам чув тушади. У шерикларидан шартнома мажбуриятларини бажаришларини қатъий талаб қилмайди. Шунча йўлдан не-не машаққатлар билан олиб келинган техникалардан фойдалана олмай Хоразмга қуп-қуруқ қайтиш алам қилмайдими?

Ишсиз, оч-наҳор қолган ишчиларга нима дейди, ҳеч қандай ёрдам беролмаса, на тайинли иш, на озиқ-овқат билан таъминлай олмаса. Ўйламай қилинган иш нима билан тугаши аён эди-ку? Ишчиларнинг ўзлари тадбир ўйлаб топишга мажбур бўлишади. Улар озиқ-овқатсиз қолиб кетмаслик учун З. Камгарнинг укаси Туралай ва маҳаллий аҳолининг буюртмаларига кўра техника ва механизмлар ёрдамида арзон-гаров хизмат кўрсатишни бошлашади. Шунда ҳам барчага юмуш топилавермайди. Ишчиларнинг бир гуруҳи 15 кундан кейин ортга қайтадилар.

Катта ишга билиб-билмай қўл урган, ишчиларни боши берк кўчага бошлаб, пуч хаёллари чиппакка чиққан раҳбар анойилардан эмасди. У ишчиларнинг оч қолмаслик ва уйига қайтиш учун йўлкира ишлаш илинжида кўрсатган хизмати орқасидан 71 минг АҚШ доллари ишлаб олганди. Раҳбар кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тартибда ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирмайди. Натижада «Алвон ЛТД»нинг ҳисоб рақамига пул келиб тушмайди. У буни онгли равишда амалга оширади. Ҳар кимнинг чўнтаги ўзига азизда. Албатта, афғон тупроғида саргардон бўлган ишчилар ўз «ёшулли»ларининг жиғилдони учун тер тўкишганини билишмасди.

Яхшигина маош ваъда қилиб қанча кишини овора қилган раҳбар сувдан қуруқ чиқишни кўзлайди. Алданган жабрдийдалар эса озгина овқат пули учун тер тўкишга мажбур эдилар. Айниқса, экскаваторчи А. Котков тушган аҳволга ҳавас қилиб бўлмайди. 2003 йил декабрдан 2004 йил августигача меҳнат қилиб қўлига бор-йўғи 74 АҚШ доллари олган Котковнинг фиғони фалакка чиқади. У уйига қайтаётиб ишчиларга бошлиқ қилиб қўйилган Р. Мейлиевдан олган шу арзимас пул учун қанча тер тўкди? Уйига 2004 йил май ойида қуп-қуруқ қўл билан қайтиб келган А. Котковни М. Қурёзов июнь ойида иш топилди, деб ишонтириб иккинчи маротаба яна Афғонистонга жўнатади. Амударёдан сув чиқаришга мўлжалланган каналнинг ҳар бир километри учун 150 АҚШ доллари миқдорида иш ҳақи ваъда қилинганидан сўнг ўзи, ўғли ва яна бир шериги билан экскаваторда 4 км. узунликда канал қазишади. Бироқ бу сафар ҳам алданади. Уйига қайтгач, ҳеч иккиланмасдан тегишли ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилади. Бундай аҳволга тушган биргина у эмас. Ойига 300-500 АҚШ доллари миқдорида маош ваъда қилинган, 'икки марта алдов йўли билан Афғонистонга жўнатилган у қатори ўнлаб ишчиларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқлари топталганди.

М. Қурёзовнинг қилмишлари суд жараёнида янада ойдинлашди. Хусусан, раҳбарнинг «Хоразмирригацияқурилиш» ОАЖ тасарруфидаги корхоналар билан тузган ижара шартномалари мажбуриятлари ҳам қўпол равишда бузилган. Яъни Афғонистонга олиб кетилган техника учун тўланиши лозим бўлган 57 млн. 647 минг сўм ижара тўлови амалга оширилмаган. Бу билан ўша корхоналарнинг моддий манфаатларига жиддий зарар етказилган.

Суд М. Қурёзовни Ўзбекистон Республикаси манфаатларига хилоф равишда шартномалар тузишда ҳамда мансаб ваколатини суиистеъмол қилишда айбдор, деб топди. Унга нисбатан катта миқдорда жарима жазоси қўлланилди. Шунингдек, суд «Алвон ЛТД» МЧЖдан шартнома шартлари бўйича ижарага берилган техникалар учун «Хоразмирригацияқурилиш» тасарруфидаги корхоналарга жами 57 млн. 647 минг сўм, Афғонистонга бориб ишлаган 33 нафар ишчи-хизматчиларга эса жами 37 млн. 518 минг сўм иш ҳақи ундириш ҳақида ҳукм чиқарди.

Узоқни ўйламай қилинган ва охир-оқибатда қанчадан-қанча кишиларнинг ораи-сарсон бўлишига олиб келган бу ҳолат ғоятда ачинарли, албатта. Нафс, шахсий бойлик кетидан қувиб, қўл остидаги ишчиларни қийнаб қўйган раҳбарнинг бундай ножўя ҳаракатини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Пўлатбек БЕКМЕТОВ,
журналист.

Япония гранти ТошДШИ талабаларига

Куни кеча «Тошкент давлат шарқшунослик институтида япон тилини ўрганиш ва японияшунослик бўйича жиҳозларни такомиллаштириш» лойиҳасининг грант шартномасини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Лойиҳа доирасида Япония ҳукумати 87,3 минг АҚШ доллари миқдорида беғараз ёрдам ажратади. Ушбу маблағ ҳисобидан японияшунослик ва япон тилини ўрганиш учун мўлжалланган техник ускуналар харид қилинади.

Имзолаш маросими «Тил, маданият ва жамият тараққиёт чорраҳасида» халқаро конференция доирасида ўтди. Анжуман Японядаги Цукуба университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ҳужжатларга Японияниинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кусумото Юичи ва Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори Равшан Абдуллаев имзо чекди.

«Жаҳон» АА.

Журналистга қарши суиқасд

«Интерфакс» ахборот агентлигининг ҳуқуқ-тартибот идоралари берган маълумотларга таяниб тарқатган хабарида айтилишича, Россиянинг «НТВ» телеканали махсус мухбири Илья Зимин ўлдириб кетилган.

Манбада келтирилишича, унинг жасади якшанба куни кечқурун Москва шаҳрининг Королева кўчасида жойлашган ўз уйидан топилган. Илья Зиминнинг ўлдириб кетилганини «НТВ» ҳам тасдиқлади, бироқ амалга оширилган қотилликнинг барча тафсилотларига тўхталмади.

Уч минг йиллик топилма

Хитой археологлари бундан тахминан уч минг йил олдин тошга чизилган расмлар топишди. Бу ҳақда «Синьхуа» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Манбада келтирилишича, 1,6 метрлик ҳажмдаги мазкур топилма Цзиньша дарёси қирғоғидан топилган. Сурат қизил рангда чизилган бўлиб, унда турли фигуралар, жумладан рақс тушаётган аёл ва эркак тасвири ифодаланган.

Маҳбус Ливанга берилмайди

Франция ҳукумати Сурия разведкаси собиқ ходими Зухеира Муҳаммад Асседиқни Ливанга қайтаришни рад этди. У Ливаннинг собиқ бош вазири Рафиқ Харирийга уюштирилган суиқасдда гумон қилинаяпти.

Маълумки, Ливаннинг собиқ бош вазири Рафиқ Харирий қотилларини топиш ва айбдорларни жазолаш учун БМТ томонидан махсус комиссия ташкил қилинганди. Мазкур комиссия ходимлари ушбу суиқасдда Сурия хавфсизлик хизмати ходимларининг қўли бор деб гумон қилмоқда. Хусусан, Асседиқ суиқасдда иштирок этганини бир сафар бўйнига олганди.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Қурбонлар рўйхати эълон қилинди

Москвадаги Басман бозори томи қулаб тушганини олдин хабар қилган эдик. Кеча мамлакат Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қурбон бўлганлар рўйхатини эълон қилди. Унда айтилишича, жами 66 киши — 30 нафар аёл, 33 нафар эркак ҳалок бўлган. Бундан ташқари, 31 киши турли даражада жароҳатланган. Ҳалок бўлган ва жароҳатланганларнинг

кўпчилиги Озарбойжон фуқароларидир.

Якшанба куни шаҳар суди бозорнинг амалдаги директори Марк Мишиевни қамоққа олиш тўғрисида санкция берди. Марк Мишиев савдо масканида хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаганликда ва ўз вақтида ҳудуддаги биноларни таъмирлашга эътибор қаратмаганликда айбланмоқда. Москва шаҳар мэри Юрий Лужков мазкур фожеадан жабр кўрганларга молиявий ёрдам кўрсатилиши тўғрисидаги фармойишга имзо чекди.

Қурол савдосида айбланмоқда

Россиялик тадбиркор Олег Орлов Чехиядан Украинага қайта-

рилди. У ноқонуний қурол савдоси билан шуғулланганликда айбланаяпти. Орлов Украина Интерпол миллий бюроси вакили Владимир Куянцев кузатувида Киевнинг «Борисполь» халқаро аэропортига келтирилди.

57 ёшли россиялик ишбилармон 2004 йилга қадар Чехияда яшаб келган ва Украина ҳукумати томонидан унга нисбатан айблов эълон қилинганда, Чехиядан сиёсий бошпана сўраганди. Сиёсий қочқинлик мақоми берилиши рад этилгандан сўнг у Бирлашган Араб Амирликларига қочишга уринганда аэропортда қўлга олинди.

Аббос истеъфо бериши мумкин

Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос агар «ХАМАС» томонидан ўзига нисбатан босим ўтказиладиган бўлса, истеъфога чиқиши мумкинлигини билдирди.

Бош вазирликка «ХАМАС» томонидан номзоди илгари сурилган Исмаил Хания яқин икки ҳафта мобайнида янги ҳукуматни шакллантиришини билдирди.

Маҳмуд Аббос «ХАМАС»дан террорчилик фаолиятидан воз кечишни ва Исроил давлатини тан олишни талаб қилмоқда. Шунга қарамасдан Исмаил Хания маълум шароитлардагина Исроил давлати тан олинишини билдирди. Унинг сўзларига қараганда, Исроил 1967 йилдаги чегарага қайтиши лозим.

Жангарилар билан тўқнашув

«Франс пресс» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёдда мамлакат хавфсизлик кучлари ва жангарилар ўртасида отишмалар бўлиб ўтмоқда.

Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, ўтган кеча шаҳарнинг шарқий қисмида кечаси билан ўқ товушлари ва граната-лар портлаши эшитилиб турган. Хавфсизлик хизмати вакилининг таъкидлашича, жангарилар мамлакатдаги нефть ишлаб чиқарувчи корхоналарни портлатиб юборишга уринган.

Сўнгги маълумотларда қайд этилишича, жангариларнинг беш нафари отишмалар чоғида йўқ қилинган. Полициячилар жангарилар яширинган жой тўлалигича ўраб олинганини хабар беришди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЛУКМА

Давлат солиқ инспекцияси томонидан бир марталик патта тушумларини тўлиқ кирим қилиш, назорат касса машинасидан тўғри фойдаланиш ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари талабларига риоя қилиниши юзасидан 2005 йил 23 июлдан 25 июлга қадар жойларда қисқа муддатли текшириш ўтказилди.

Паттачи нега патта бермади?

Шу жараёнда инспекция ходимлари «Жўш деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти паттачиси Н. Ҳасанов фуқаролардан 4500 сўм нақд пул йиғиб олиб, патта бермаганлигини аниқлашади. Худди шундай ҳолат 2004 йилнинг 6 ноябрида ҳам содир этилиб, паттачи томонидан 600 сўмга патта бермаганлиги аниқланган ва молиявий жарима қўлланилганди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 135-моддаси 12-бандида назорат касса машиналарини ишлатмасдан савдони амалга оширган, шунингдек, харидорга квитанция бермасдан товарни реализация қилган ва хизмат кўрсатган юридик шахслардан энг кам иш ҳақининг юз баробари миқдорида, бу қилмиш бир йил ичида такроран содир этилганда эса энг кам иш ҳақининг икки юз баробари миқдорида жарима ундирилиши белгиланган.

Бундан бир йил аввал 600 сўмга патта бермаганлиги учун молиявий жарима тўлаган Н. Ҳасанов ўзига тегишли хулоса чиқармаган кўринади. Шу сабабдан вилоят давлат солиқ инспекцияси вилоят хўжалик судига бозорга нисбатан энг кам иш ҳақининг икки юз баробари миқдорида, яъни 1567000 сўм миқдорида жарима ундиришни сўраб, даъво аризаси киритди.

Жавобгар ихтиёрий равишда молиявий жариманинг 565267 сўмини тўлаганлиги учун суд «Жўш деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамиятидан туман солиқ инспекцияси фойдасига 1001733 сўм молиявий жарима, 31340 сўм давлат божи, 5000 сўм почта харажатини ундириш ҳақида қарор қабул қилди.

Ана шунақа гаплар! Арзимаган фойда илинжида патта бермаган паттачининг пайтавасига қурт тушди. Энди буёғига ўйлаб иш кўрса, ажаб эмас!

Ф. ҚОСИМОВ.

Танловга марҳамат!

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни ва 21 март — Миср нинг «Оналар байрами» муносабати билан ҳамда ўзбек аёлларининг мамлакат ривожи йўлида қилаётган хизматларини тақдирлаш мақсадида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси қошидаги Миср Фан ва таълим маркази

«НАМУНАЛИ ОНА»

танловини ўтказади.

Танловда Тошкент шаҳри ва вилоятида истиқомат қилувчи, ёши 50 дан кам бўлмаган, фарзандларини жамиятга фойдали шахслар қилиб вояга етказган оналар иштирок этишлари мумкин.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Танловда иштирок этадиган она ўзи, оиласи, фарзанд тарбияси соҳасида тажрибалари ҳақида тўлиқ ҳикоя, паспорт ксерокопияси, 3х4 ҳажмдаги 2 дона расмни шу йилнинг 10 мартигача танлов ҳайъатига тақдим этиши лозим.

Танловда ғолиб бўлган ўн нафар онага жорий йилнинг 25 март куни тантанали равишда қимматбаҳо совғалар топширилади.

Танловга барча оналар таклиф этилади.

Хатлар қуйидаги манзилга шахсан топширилиши шарт: Тошкент шаҳри, Х.Раҳмонов кўчаси, 34-уй, Миср маданият маркази.
Мўлжал: Покистон элчихонаси. Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 144-25-70, 148-16-20.

2210R/355

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЁШ ПЕДАГОГ ВА ИЛМИЙ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ «ИСТЕЪДОД» жамғармаси

ЧЕТ ЭЛ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ИЛМИЙ МАРКАЗЛАРИДА МАЛАКА ОШИРИШ УЧУН ГРАНТЛАРИГА ТАНЛОВ БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ТАНЛОВ ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАДИ:

- Ахборот технологиялари
- Менежмент
- Туризм ва сервис
- Маркетинг
- Молия ва кредит
- Бизнесни бошқариш
- Суғурта бизнеси
- Иқтисод ва менежментда ахборот тизимлари
- Халқаро иқтисодий алоқалар
- Сиёсатшунослик
- Педагогика ва инновацион технологиялар
- Социология
- Психология
- Юриспруденция
- Халқаро ҳуқуқ
- Кончилик саноати
- Нефть ва газ саноати
- Муҳандислик фанлари
- Электроэнергетика
- Технологик машиналар ва жиҳозлар
- Кимё технологиялари ва биотехнологиялар
- Нанотехнологиялар
- Озиқ-овқат саноатида замонавий технологиялар
- Қишлоқ хўжалиги
- Экология
- Медицина
- Ветеринария
- Ўзбекистон тарихи
- Журналистика
- Телекоммуникация

Ҳужжатлар 2006 йилнинг 1 мартидан 20 мартигача қабул қилинади.

Танловда иштирок этишга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати

1. Жамғарма бошқаруви раиси номига ариза (қайси чет (инглиз, француз, немис ёки рус) тили бўйича топширилиши ва танланган йўналиш кўрсатилиши лозим).
2. Белгиланган намунадаги жамғарма сўровномаси.
3. Белгиланган намунадаги маълумотнома.
4. Ариза топширувчининг чет элда малака ошириб келиши мақсадга мувофиқлигини асословчи илмий (педагогик) кенгаш қарори.
5. Таржимаи ҳол.
6. Нашр қилинган илмий ишларининг рўйхати ва ихтироларининг соҳа миқёсида ишлатилганлиги ёки татбиқ этилганлиги тўғрисида ҳужжат.
7. Олий ўқув юртини битирганлиги, фан номзоди, фан доктори илмий даражаси ва доцент, профессор илмий унвони тўғрисидаги дипломларнинг нусхаси.
8. Таълим муассасасининг (идора, ташкилотнинг) биринчи раҳбари томонидан тавсиянома.
9. Паспорт (асли) ва унинг нусхаси.
10. Тиббий маълумотнома (086-у шакли).
11. 6 дона рангли фотосурат (3,5 х 4,5).

Танловда иштирок этиш истагини билдирган даъвогарлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- *Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши;*
- *таълим муассасаси (университет, институт, коллеж, академик лицей, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар) педагоги ёки илмий ходими бўлиши;*
- *чет тилларидан (инглиз, немис, француз ёки рус) бирини мукаммал билиши;*
- *танлаган мутахассислиги бўйича камида узлуксиз 3 йиллик педагогик меҳнат тажрибасига эга бўлиши ёки 2-йилда ўқиётган илмий ходим (аспирант, тадқиқотчи ёки докторант) бўлиши.*

"Истеъдод" жамғармасининг 2004 ва 2005-йилги грант совриндорларига хорижда орттирган илғор тажрибаларини республикамизда оммалаштириш борасидаги фаолияти мониторинги натижалари асосида фақат 3 йилдан кейин танловда қатнашишларига рухсат берилади.

"Умид" жамғармаси грант совриндорлари ўрнатилган тартибда 5 йил ишлагандан сўнг ўзлари ишлаётган вазирлик, ташкилот, корхона ва муассасанинг биринчи раҳбари ҳамда жамғарманинг мониторинг бўлими томонидан олинган хулоса натижаси асосида танловда иштирок этишлари мумкин.

Танлов 2006 йилнинг март-апрель ойларида қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1-босқич. Даъвогарнинг танлаган йўналиши бўйича иқтидорини ва билими савиясини аниқлаш мақсадида тавсия этган таълим муассасасининг махсус комиссияси томонидан ўтказилади ва илмий (педагогик) кенгаш қарори билан расмийлаштирилади.

2-босқич. Белгиланган тартибдаги ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги етакчи таълим муассасаси (университет, институт) раҳбари тавсияси асосида тайинланган масъул шахс томонидан (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти учун "Истеъдод" жамғармасида) қабул қилиниб, қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

- *танловда қатнашиш учун зарур бўлган ҳужжатларни кўрикдан ўтказиш;*
- *мутахассислиги бўйича чет тилини (МДҲ мамлакатларида малака оширишни хоҳловчилар учун рус тилини) билиш даражасини аниқлайдиган суҳбат;*
- *компьютер (Word, Excel, PowerPoint, Internet дастурлари) саводхонлиги даражасини аниқлаш.*

3-босқич. Даъвогарларнинг тарих, маданият ва маънавият соҳасидаги, шунингдек, чет тилларидан (МДҲ мамлакатларида малака оширишни хоҳловчилар учун рус тилидан) бирини билиши ҳамда ахборот технологиялари соҳасидаги билимлари юзасидан тест имтиҳони ўтказилади.

Мандат ҳайъатида қатнашишга фақат барча босқичлардан муваффақиятли ўтган даъвогарларга рухсат берилади.

Жойларда даъвогарлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги қуйидаги етакчи таълим муассасаларига мурожаат қилишлари мумкин:

№	Таълим муассасаси номи	Телефон
1.	Қорақалпоқ давлат университети	(3612) 23-59-23, 20-62-87
2.	Андижон давлат университети	(3742) 22-18-63, 50-80-34
3.	Бухоро давлат университети	(3652) 23-51-95
4.	Гулистон давлат университети	(3672) 25-45-85
5.	Жиззах давлат педагогика институти	(3722) 21-01-98
6.	Қарши давлат университети	(3752) 21-13-05
7.	Навоий давлат кончилик институти	(4362) 24-86-61
8.	Наманган давлат университети	(3692) 25-10-07, 32-53-27
9.	Самарқанд давлат университети	(3662) 33-54-83
10.	Термиз давлат университети	(3762) 22-88-19, 22-87-16
11.	Урганч давлат университети	(3622) 26-03-48 коммутатор (ички 106), 21-39-63
12.	Фарғона давлат университети	(3732) 24-28-71, 24-35-32

Ҳужжатларни қабул қилиш ва танлов босқичларини ташкил этиш бўйича танлов ҳайъати қуйидаги манзилда ишлайди:

Тошкент шаҳри, Маҳмуджон Ғофуров (собиқ Олмазор) кўчаси, 171-уй, «Истеъдод» жамғармаси биноси.

Мурожаат учун телефонлар: 132-60-18, 132-62-40.

«Истеъдод» жамғармаси маъмурияти.

Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига

Шаҳрисабзда сирли бир маскан бор. Бу ердан зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Дунёнинг етти иқлимидан ташриф буюрган сайёҳлар атайлаб шу масканни сўроқлаб келадилар. Одми, ҳатто бир маънода фақирона бу зиёратгоҳ олдида узоқ вақт хаёлга толиб турадилар. Наҳотки, дунёнинг ярмини ўз иродасига бўйсундирган салтанат соҳибининг сўнгги манзили шу тариқа тасаввур этилган бўлса? Наҳот Самарқанду Кеш, Бухорою қадим Ясси-Туркистонда олий иморатлар бунёд этган Соҳибқирон ўзига шу беҳашам, дарвешлар чиллахонасидек оддий бир сағанани раво кўрган бўлса?

Бу — Амир Темур дахмасидир.

СОҲИБҚИРОН САҒАНАСИНИНГ СИРИ

Хўш, нега буюк жаҳонгир ўзи ният қилган ерга кўмилмади? Сағана нечун битмай чала қолди? Нега одамлар асрлар бўйи ушбу дахманинг қаердалигидан бехабар эдилар? Келинг, Амир Темурнинг сўнгги кунлари борасида қалам тебратган муаррихларнинг битикларини тағин бир варақлайлик.

Маълумки, 1404 йилнинг охирида Амир Темур Хитой юришига отланади. Неча юз минг кишилик лашкари билан Ўтрорга қараб йўлга чиқади.

Ўша йили қиш қаттиқ келган эди. Бетиним қор ёғар, баъзи манбаларда айтилишича, қорнинг қалинлиги икки найза бўйи (деярли уч метр) келарди. Совуқ заҳрига бирон тириқжон чидамасди. «Ўша кезлари ҳаво шу даражада совиб кетдики, — деб ёзади тарихчи Ҳофизи Абру, — кўпчилик акобиру зодагонларнинг аъзоларини совуқ олди, оддий фуқаро ва ходимларнинг аксарияти ҳалок бўлди. Қавс (ноябрь)нинг бошидан то Ҳут (февраль) охиригача Жайҳун ва Сайҳун дарёларининг барча кечувларидан лашкар, аравалар, карвон, филлар муз устидан юриб ўтди. Совуқнинг зўридан тил оғизда увишиб қоларди». 1405 йилнинг 15 январь куни Амир Темур Ўтрор шаҳрига келиб тушади ва қиш чилласи ўтгунча шу ерда туришга қарор қилади. Ўзини кузатиб келган хос маҳрамлари ва мулозимларига ижозат беради, улар шарафига зиёфат уюштиради. Бироқ, кутилмаганда Соҳибқироннинг иситмаси кўтарилиб, ўзини ёмон ҳис қила бошлайди. Ҳозиқ табиблар дарҳол муолажага киришадилар. Лекин кун ўтган сайин жаҳонгирнинг ҳолати орқага кетади.

Бир куни Амир Темур туш кўрди. У Кўкўғлон деб аталмиш суюкли отида турганмиш. Шу пайт қош-кўзи чиройли, қомати самбитдек, дуркун бир йигит олдига келиб, отнинг жиловини тутди.

— Отдан тушсинлар, Ҳазратим, — деди йигит қовоқ уйиб, — от миниш навбати энди бизга етди.

Соҳибқирон чўчиб уйғонди. Аркони давлатни, дин пешволарини, қўмондонлар, набиралари, ўзига содиқ мулозимлар, хос муншийларини ҳузурига чорлади. Сўнгги фармон фурсати етган эди. Соҳибқироннинг амри билан мунший васият ёзишга тутинди: «Англаб турибманки, руҳ қуши қалб қафасидан парвоз қилмоқчи. Тангри таолонинг даргоҳига жонимни бахш этаётибман. Сизларни унинг лутфу марҳаматига топширдим. Оби дийда қилиб ўтирманглар, оҳу нола чекманглар, бундан фойда йўқ. Шу кундан эътиборан фарзандимиз Пирмуҳаммад Жаҳонгирни ўзимизга валиаҳд ва тожу тахт вориси этиб тайинладикки, Самарқанд тахти анинг амри фармонида бўлгай, тамкинлик ва истиқлол ила мулку миллат, лашкар ва раиятнинг муҳим ишлари билан машғул бўлсин. Сизлар эса, унга тобелик ва бўйсуниш маросимини ўрнига қўйинглар, уни биргаликда қўллаб-қувватланглар, токи олам бузилмасин...»

Ўлим элчиси эшик қоқиб турганлиги барҳақ эди. 1405 йил 18 февраль куни жаҳонгир бу ёруғ олам билан видолашиб, яхшилар мақомига бориб қўшилди.

Марҳумнинг жасади мўмиёланди, уни махсус аравага ортдилар ва минглаб қўриқчилар қуршовида Самарқанд сари йўлга тушдилар. Бирор ой йўл босиб шаҳарга етиб келдилар. Бу пайт салтанат вориси бўлмиш Пирмуҳаммад айшу ишрат ила банд эди. Дафн маросимини Амир Темурнинг яна бир зукко невараси Халил Султон ўтказди. Бобосини Руҳобод мавзесида, Муҳаммад Султон мадрасасида дафн этдилар. Чунки замон нотинч эди, ҳали олдинда тожу тахт учун қаттол олишувлар турар, бундай вазиятда Соҳибқиронни Кешга элтиш ўта қалтис эди. Шу тариқа Амир Темур ўз дахмасига етолмай, дорус-салтана — Самарқандда узлатга чекинди.

Хўш, дахманинг тарихи нечук, унинг кейинги тақдири не бўлди?

Амир Темур, алал-оқибат бир кун, деганларидек, ҳамиша сўнгги борар боғини ўйларди. Шунинг учун у 1380 йиллардаёқ она юрти Кешда ўзига атаб дахма бино этишга фармон берган эди. Дахма Дорус-саодат билан Дорул-тиловат ўртасида бўлиши керак эди. Амир Темурнинг отаси билан ўғли Жаҳонгир ҳам шу ерга дафн этилган эди. Испан элчиси Клавихонинг гувоҳлик беришича, 1404 йилда ҳам дахма қурилиши давом этаётган экан. Амир Темурнинг тасодифий ўлими ва темурий шаҳзодаларнинг ўзаро низоси боис сағана эътибордан четда қолди. Бора-бора у ер тагида кўмилиб кетди.

Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари. Шаҳар кенгайди, одамлар масжид атрофига ҳам иморат сола бошладилар. Бахтга қарши Мардони ҳовуз кўчасидаги бир фуқаронинг уйи айнан сағананинг устига тўғри келган экан. Бечора хонадон эгасининг тинчи бузилди: ўн лар. Сағанани расамадли таъмирлаш, уни эл-юрт олдида очиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Чунки Амир Темур номи ҳали тарихларда қора бўёқ билан ёзиларди.

Бундан ўттиз беш йил бурун илк бор Шаҳрисабзга қадам қўйган эдим. Буюк бобомизнинг муборак сағанасини зиёрат қилиш орзусидаман. Бироқ сағана эшиги ҳаммага ҳам очилавермасди, ҳар ким ўзидан чўчирди. У пайтлар туман раҳбари раҳматлик Соиб Усмонов эди. Ҳалим табиатли, бировнинг кўнглини қолдирмайдиган инсон эди. Илтимосимни эшитиб мулойим жилмайди:

— Сизга кўрсатишимиз мумкин. Ёзувчилар асл тарихимизни билишлари керак.

Соиб ака кимгадир телефон қилди. Ҳадемай бир йигит етиб келди. Икковлон йўлга тушдик. Йигит мени пастқам кўчалардан бошлаб кетди. Кўримсиз, кўҳна бир уй олдида тўхтадик. Ҳамроҳим ён-верига аланглаб бир чуқурга тушди. Сўнг, келаверинг, дегандек мени имлади. Бир табақали кичкина эшикдан ертўлага кирдик. Йигит гугурт чақиб шам ёқди. Мен турган еримда қотиб қолдим. Чор бурчакли, тепаси гумбазсимон мўъжазгина ҳужра. Ўртада маҳобатли тош тобут. Шам ёруғида у янада ваҳимали, илоҳий бўлиб туюлади. Ахир кимсан — жаҳонни титратган жангу жадаллар қироли Амир Темурнинг бўш тобути қаршисида турардим. Кўз ўнгимда Шайхзода домланинг «Мирзо Улуғбек» асаридаги манзара жонланди: гўё ҳозир мана бу тош тобут қопқоғи жаранглаб очилади-ю, Соҳибқирон чиқиб келадигандек...

Бугун, яна ўша афсонавий сағанада бош эгиб турибмиз. Бу сафар бизга Жомеъ масжидининг имоми Абдухалил Дўстмурод ўғли ҳамроҳлик қилди. Абдухалил билан кўп йилдан бери танишмиз. Диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаган суҳбати ширин йигит. У буюк бобокалон руҳига атаб Қуръон тиловат қилди. Сўнгра дахма деворларига, тош тобут сиртига битилган арабий ёзувларни ўқиб, таржима қилиб берди. Улар ояти карималар, қудсий ҳадислар эди.

Ер қаъридаги бу нимқоронғи, чоққина ҳужра, хўжасига буюрмаган нақшинкор бўш тобут одамни зиддиятли, мажҳул хаёлларга етаклайди. Умрнинг ўткинчилигини ўйлаб кетасан. Бу кўҳна олам бир қўналға, бир карвонсарой. Бас, шундай экан, нечун баъзида кўпикдек омонат ҳою ҳавасларга зиёда кўнгил қўямиз? Нега бировнинг ҳақига хиёнат қилишдан қўрқмаймиз? Мунофиқлик, такаббурлик, ёлғон сўз орқали роҳат кўзламоқ гуноҳи азим эканлигини нега англамаймиз? Бировнинг асабини қақшатгандан кўра бир оғиз ширин калом билан унинг маҳзун кўнглига чироқ ёққан афзал эмасми?

Амир Темур ардоқлаган пири комил Аҳмад Яссавий дейдилар: «Яхшиликдан нима ёмонлик кўрдингки, яхшилик қилмайсан? Ёмонликдан не яхшилик кўрдингки, ёмонлик қилғайсан?» Мана бу ҳикматни эса Соҳибқиронга нисбат берадилар: «Тикон бўлиб оёққа қадалгунча, гул бўлиб кўкракка санчил!»

Бу икки мўътабар зотнинг мухтасар ўгитлари сизу бизга абадий васият эмасми, азиз ватандош?

Саъдулла СИЁЕВ.
Шаҳрисабз — Тошкент.

Рангтасвир мўъжизаси



Самарқанд чет тиллар институтида самарқандлик истеъдодли мусаввир Аслиддин Калонов асарлари кўргазмаси бўлди.

Кейинги йилларда рангтасвирда ижод қилаётган рассомлар орасида Аслиддин ўзининг маҳорати билан алоҳида ажралиб туради. Унинг «Она портрети», «Болалик остонаси», «Чўлдаги орзу», «Гўзал болалик» каби ўнлаб асарлари бугунги кунда Ўзбекистон Давлат санъат музейи ва Бадиий кўргазмалар дирекцияси заллари ва Москва музейларидан жой эгаллаган. «Қудуққача 30 чақирим», «Нуротани қўмсаш», «Оролдаги бағишлов», «Афсона сеҳри» каби асарлари ва полотнолари ўзининг ранглар жилоси, бетакрорлиги билан ажралиб туради. Шу боисдан ҳам талабалар мусаввир асарларини илиқ кутиб олдилар.

Айни пайтда Аслиддин Калонов мустақиллик даври одамларини тасвирлаш устида тинмай изланмоқда.

Адҳам ҲАЙИТОВ.

Спорт

Мамлакатимизда каратэ энг оммавий спорт турларидан саналади. Бугунги кунда 60 мингдан ортиқ ёшларимиз спортнинг ушбу тури бўйича машғулотларда қатнашаётгани ҳам буни исботлайди. Халқаро майдонларда эришаётган ютуқлар ҳам салмоқли бўлмоқда.

Кучлилар сараланди

24-26 февраль кунлари пойтахтимиздаги "Жар" спорт мажмуаси каратэ бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасидаги навбатдаги Ўзбекистон чемпионатига мезбонлик қилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тақвим режаси асосида ўтказилган мусобақада 1000 нафардан ортиқ ёш спортчилар ўзаро куч синашдилар.

Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари фахрли биринчи ўринни қўлга киритдилар. Иккинчи ўрин Андижон, учинчи ўрин эса Қашқадарё вилояти вакилларига насиб этди.

Т. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ

НУКУС (ЎзА мухбири А.ОРТИҚБОЕВ).

Тўрткўл туманида спортнинг мини футбол тури бўйича турнир ўтказилди. "Кашандалик ва алкоголизмга қаршимиз!" шиори остида ўтган беллашувларда 20 дан ортиқ жамоа ўзаро куч синашди.

Кескин курашларга бой бўлган мусобақада Тўрткўл банк коллежи жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ўрин туманнинг фахрий спортчилари жамоасига насиб этди. Учинчи ўринни Агробизнес коллежи ёшлари эгаллашди.

Тажриба мактабини ўтади

Икки ҳафтадан зиёд вақт мобайнида спорт ихлосмандларини ҳаяжонга солган XX қишки Олимпиада ўйинлари ниҳоясига етди. Унда ҳамюртларимиздан фигурали учиш бўйича Марина Аганина ва Артём Князов жуфтлик, Анастасия Гимазетдинова яккалик баҳсларида, Қайрат Эрматов эса тоғ чанғиси бўйича мусобақаларда қатнашдилар. Гарчи, улар совринли ўринларни қўлга киритмаган бўлсаларда, катта тажриба орттиришди.

XX қишки Олимпиада якунида ўн битта олтин, ўн иккита кумуш, олтита бронза медалларини қўлга киритган германиялик спортчилар умумжамоа ҳисобида шоҳсупанинг юқори поғонасини эгаллашди. Тўққизта олтин, тўққизта кумуш, еттита бронза медалига эгалик қилган АҚШ вакиллари иккинчи ўриндан жой олдилар. Австрияликлар тўққизта олтин, еттита кумуш ва еттита бронза медали билан учинчи ўринни банд этишди. Кучли саккизликни Россия, Канада, Швеция, Корея ва Швейцария мамлакатлари спортчилари тўлдиришди.

Чемпионат давом этмоқда

Тошкентда шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигасида навбатдаги тур ўйинлари ўтказилмоқда.

Аёллар ўртасида бешинчи турдан сўнг пойтахтлик халқаро тоифадаги спорт устаси Ольга Собирова 4,5 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Фарғоналик спорт устаси Нафиса Мўминова, қашқадарёлик Нодира Нодиржонова ва жиззахлик ФИДЕ устаси Юлдуз Ҳамроқуловалар пешқадамдан бир очко кам жамғаришган.

Чемпионат ўйинлари давом этмоқда.

З.ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

KLPT ИМТИҲОНИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН

Korean Language Proficiency Test

Имтиҳон куни — *2006 йил 30 апрель.*
Ҳужжат қабул қилишнинг бошланиши — *2006 йил 1 март.*
Ҳужжат қабул қилишнинг охирги куни — *2006 йил 31 март.*
Ҳужжат қабул қилиш жойи — *Ўзбекистон,* Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхоним к., 3-уй, «FAN KLAPT» ўқув маркази.

Қўшимча маълумот олиш учун телефон: 41-45-80.

Корея Республикаси олий ўқув юртларида ўқиш ҳамда Кореяга ишга борувчилар учун.

http://www.klpt.com

Хизматлар лицензияланган.

"TOG'LAR" MCHJ
БЭМЗ МПЗ ВЭТЗ
+ Электродвигателлар 1 кВтдан 1 мВтгача
+ Дизель-электростанциялар 8 кВтдан 630 кВтгача
+ Кабель (ААШВ, АСБ, АВВГ, КГ ва бошқа русумлар)
+ Трансформаторлар, трансформатор жамламалари (подстанциялар. КТП, ГКТП, ТП, КСО, ВРУлар)
+ Авиа ва аэродром электр жиҳозлари
+ Прожекторлар ва ёритгичлар (ЛПО, ЛВО, ЛСП, ПКН, ИО ва ҳ.к.)
+ Ёритиш мосламалари жамламаси
+ Божхонада юкларни расмийлаштириш хизматлари
ШАҲСИЙ ОМБОРХОНАДАН ВА БУЮРТМАГА АСОСАН
Тел.: (+998 98) 128 5987, (+998 97) 107 2841, (+988 712) 56 0955.
Т./Ф. (+988 71) 152 1629.
E-mail: toglar_uz@mail.ru
ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

ЕВРООКНА
ПО НЕМЕЦКОЙ ТЕХНОЛОГИИ НА НЕМЕЦКОМ ОБОРУДОВАНИИ
♦ профиль окна изготовлен из трехслойного сращенного бруса,
♦ из дерева высококачественных хвойных и лиственных пород,
♦ окна отделанны металлической фурнитурой пр-ва Германии,
♦ не деформируются под воздействием внешней среды.
А также: двери, наличники, плинтуса, половые доски, декоративные рейки для отделки мебели.
Гарантия – 15 лет.
Для оптовых покупателей гибкая система скидок.
Тел. 169-15-33, факс 162-39-66,
e-mail: toemz1@sarkor.uz

ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИГА
дипломларини нострификациялаш учун топширган фуқаролар диққатига!
Давлат тест марказида эксперт комиссияларининг йиғилиши ва имтиҳонлар 2006 йил май ойининг қуйидаги кунларида ўтказилади:

Т/р	Таълим йўналишлари	Ўтказиладиган вақти
1.	Педагогика	12 май, соат 9.00
2.	Тиббиёт	19 май, соат 9.00
3.	Муҳандислик	26 май, соат 9.00

Қатнашчиларни рўйхатга олиш — Давлат тест марказида (Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 12-уй) соат 8.30дан 9.00гача.
Маълумот учун телефон: 134-46-83.
Давлат тест маркази.

KAMMAZ ARSENAL
юк машиналари учун ШИНА таклиф этади
Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.
Сайт: www.uzkam.com
Товар сертификатланган
Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал – Бобур боғи)

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ишлар бошқармаси бошлиғи Фаҳритдин Сағдуллаевга онаси **МУКАРРАМ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди жамоаси фонд директори Ўткир Ниғматовга волидаси **КОФИЯ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси китоб тўкислаш бўлимининг бош кутубхоначиси Шавкат Алимовга ўғли **ОТАБЕКнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 457. 34694 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни – 01.30 Топширилди – 01.30 1 3456